

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.05/04.03.2022.QX.13.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЛАЛМИКОР ДЕХҚОНЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

АБДИХАЛИКОВА БАРЧИНОЙ АБДИХОМИТОВНА

**ЛАЛМИКОР МАЙДОНЛАРДА ОРГАНИК ВА МИНЕРАЛ
ЎҒИТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ УСУЛИНИНГ ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ ВА
БУҒДОЙ ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ**

06.01.04 - «Агрохимё»

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of (PhD) on agricultural
sciences**

Абдихаликова Барчиной Абдихомитовна

Лалмикор майдонларда органик ва минерал ўғитларни қўллаш усулининг
тупроқ унумдорлиги ва буғдой ҳосилдорлигига таъсири.....3

Абдихаликова Барчиной Абдихомитовна

Влияние способов внесения органических и минеральных удобрений на
плодородие почвы и урожайность пшеницы на богарных землях23

Abdikhalikova Barchinoy Abdikhomitovna

Influence of the methods of application of organic and mineral fertilizers on the
fertility of rainfed soils and the productivity of wheat 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 49

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PHD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.05/04.03.2022.QX.13.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЛАЛМИКОР ДЕХҚОНЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

АБДИХАЛИКОВА БАРЧИНОЙ АБДИХОМИТОВНА

**ЛАЛМИКОР МАЙДОНЛАРДА ОРГАНИК ВА МИНЕРАЛ
ЎҒИТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ УСУЛИНИНГ ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ ВА
БУҒДОЙ ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ**

06.01.04-«Агрокимё»

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2022

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий атестация комиссиясида В2021.1.PhD/Qx697 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Лалмикор дехқончилик илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юсупов Хасан Юсупович

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Санақулов Акмал Лапасович

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

Сидиков Саиджон

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.05/04.03. 2022.Qx. 13.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Қибрай тумани Университет кўчаси. Тел.:(+99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag_info@edu.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Қибрай тумани Университет кўчаси, 2-уй. Тел.:(+99871)246-15-38

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «_____» _____ № _____ – рақамли баённомаси)

Д.А.Қодирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси б.ф.д., профессор

Н.И.Шодиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш котиби, б.ф.д., профессор

Б.И.Ниязалиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги пайтда дунё бўйича лалмикор майдонлар 1,4 млрд гектарни ёки жами деҳқончилик юритиладиган ерларнинг 85-87 фоизини ташкил этади. Бу майдонлар деярли барча китъаларнинг қурғоқчил чўл ва сахро минтақаларида мавжуд. Дунёдаги «сур тусли лалмикор майдонлар Осиё қитъасида, хусусан, Сахрои Кабирда қишлоқ хўжалиги ерларининг 95 %, Яқин Шарқ ва Шимолий Африкада 75 %, Шарқий Осиёда 65 %, Жанубий Осиёда 60 % ини ташкил этади»¹. Шу сабабли лалмикор майдонлар тупроқларининг унумдорлигини сақлаш ва ошириш, ушбу майдонларда буғдой етиштиришда органик ва минерал ўғитларни қўллашнинг илмий асосланган усуллари ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бугунги кундаги энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Дунёнинг кўплаб қурғоқчил чўл минтақаларида алмашлаб экиш, тупроқда табиий намликни кўпроқ тўплайдиган, тупроқни ҳимоя қилишнинг ресурстежамкор технологияларини, тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида органик ва минерал ўғитлардан ҳар йили самарали фойдаланиш, хусусан уларни тупроққа ишлов берадиган қуроллар ёрдамида тупроқ юзасига аралаштириш, органик ўғитларни ҳар йили 6-12 т/га ва минерал ўғитларни кузги буғдой ва қатор орасига ишлов бериладиган экинларга 45-60 кг/га меъёردа банд шудгорга тупроқ остига қўллаш, орғано-минерал аралашмалардан фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотларга эътибор қаратилмоқда.

Республикадаги лалмикор майдонлар сўнгги 40-50 йил мобайнида қарийб 340-350 минг гектарга қисқарди. Шу йиллар давомида барча лалмикор минтақаларда илмий асосланган ғалла-шудгор алмашлаб экиш схемаларини, органик ва минерал ўғитларнинг илмий асосланган меъёр ва муддатларни ишлаб чиқиш, тупроққа плуглар, дискали ва оғир молалар билан ишлов беришнинг тупроқ унумдорлиги ва структурасини ижобий томонга ўзгаришини таъминлайдиган ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқиш ва янада такомиллаштириш, тупроқда органик моддалар (гумус) ва NPK нинг ижобий балансини юзага келтириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат ҳавфсизлигини янада мустахкамлаш, экологик тоза маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини юмшатиш» юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, лалмикор майдонларда тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни оширишда ғалла-шудгор алмашлаб экишнинг мақбул схемаларини ва бу тизимда органик ва маъданли ўғитлардан самарали фойдаланишга имкон берадиган меъёрини, қўллаш

¹<https://www.fao.org/3/i1688r/i1688r.pdf>

технологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ўта долзарб аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2020 йил 28 февралдаги ПҚ-4575-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республика тупроқларининг агрофизикавий, агрохимёвий хоссаларини ўрганиш, турли агротадбирларни қўллаш орқали уларнинг унумдорлигини сақлаш ва оширишига қаратилган илмий-тадқиқот ишлари Ж.Саттаров, Р.Қўзиев, Л.Турсунов, С.Абдуллаев, И.Турапов, М.Тошқўзиев, Л.Ғафурова, Ш.Холиқулов, Р.Қурвантаев, Ш.Бобомурадов, Н.Абдурахмонов, Б.Ниязалиев, А.Баиров, Х.Рисқиева, С.Сидиқов, А.Каримбердиева, Х.Каримов, Ж.Қузиев ва бошқалар томонидан олиб борилган. Ўзбекистондаги лалмикор майдонлар тупроқларининг агрохимёвий таркиби, физик, сув-физик хусусиятлари, намлик тартиботи, органик ва минерал ўғитлар, кимёвий ҳимоя воситаларини қўллаш, минтақалар бўйича ғалла-шудгор алмашлаб экишнинг схемалари, тупроққа ишлов бериш тизимини ишлаб чиқиш бўйича тажрибалар ўтган асрнинг 50-70 йилларида С.Н.Рыжов, Б.В.Горбунов, Г.А.Лавронов, Х.М.Махсудов, М.Ю.Юнусов, С.М.Маманиёзов, В.И.Коробов, А.С.Милосердова ва бошқа кўплаб олимлар томонидан ўрганилган

Бироқ, типик лалмикор тупроқларнинг унумдорлигини оширишда органик ва минерал ўғитларни қўллаш усул ва меъёрларини аниқлаш, уларнинг алмашлаб экиш даласида кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, озиқа моддаларни ўзлаштириши ва тупроқда озиқа моддаларнинг балансига таъсири деярли ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг №ҚХ-4Ф-20 «Лалмикор минтақаларда ғалла ва бошқа экинлардан барқарор юқори биомахсулот етиштиришни, тупроқ унумдорлигини оширишни ва ундаги озиқа моддаларнинг ижобий мувозанатини сақлашни таъминлайдиган деҳқончилик юритишнинг илмий асосларини яратиш» (2007-2011 йй.), №ҚХА-9-054-2015 «Лалмикор майдонларда ғалла-шудгор алмашлаб экиш схемалари тизимида тупроққа ишлов бериш, ўғитлар, кимёвий ҳимоя воситаларидан самарали фойдаланиш,

тувроқ унумдорлигини оширишни таъминлайдиган технологияларини такомиллаштириш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади лалмикор майдонларда органик ва минерал ўғитларни қўллашнинг қулай усулини ҳамда унинг тувроқ унумдорлиги ва буғдой ҳосилдорлигига таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

вегетация давомида тувроқдаги фаол намлик динамикасини ўсимликнинг ривожланиш фазаларида тадқиқ этиш;

ўтмишдошлар, органик ва минерал ўғитлар меъёри ва қўллаш усулининг кузги буғдой туп сонига (кузда, эрта баҳорда ва ўрим-йиғим олдида) таъсирини аниқлаш;

кузги буғдойнинг ҳўл ва қуруқ биомасса тўплаш динамикасини (кузда, эрта баҳорда, найчалаш, бошоқлаш, сут-мум ва тўлиқ пишиш) тадқиқ қилиш;

тувроқда ўсимликлар ўзлаштирадиган минерал озика моддалар динамикасини фенологик фазалар бўйича аниқлаш;

ўтмишдош экинлар, ўғитларни қўллаш усули ва меъёрининг кузги буғдойнинг азот, фосфор ва калийни ўзлаштиришига (туплаш, найчалаш) таъсирини аниқлаш;

органик ва минерал ўғитларнинг лалмикор типик бўз тувроқлар шароитида кузги буғдойнинг озика моддалардан фойдаланиш коэффициенти таъсирини аниқлаш;

лалмикор майдонларда беш далали ғалла-шудгор алмашлаб экиш схемасининг тоза шудгор-буғдой-буғдой схемасида шунингдек, шу схеманинг банд шудгоридан сўнг гумус ва NPK мувозанати (баланси)ни аниқлаш;

ёғингарчилик билан ярим таъминланган қир - адирлик лалмикор минтақада кузги буғдойни органик ва минерал ўғитлар билан ўғитлашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида ёғингарчилик билан ярим таъминланган текислик қир-адирлик минтақасининг эрозияга ўртача чалинган, ўртача қумоқли, лалмикор типик бўз тувроқлари, кузги буғдойнинг “Бахмал 97” нави олинган.

Тадқиқот предмети бўлиб тоза шудгор-буғдой-буғдой алмашлаб экиш, ўтмишдошлар, органик ва минерал ўғитлар, тувроқ намлиги, озика моддалар (NPK) ва биомасса тўплаш динамикаси, вегетация даврида кузги буғдойнинг озика моддаларни ўзлаштириш динамикаси, улардан фойдаланиш коэффициенти, тувроқда гумус ва NPK мувозанати (баланси), иқтисодий самарадорлик ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тажриба ўтказилган йилларда стационар ва микродала тажрибалари Б.А.Доспехов (1985) услуби бўйича, тувроқ ва ўсимлик таҳлиллари “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в хлопковых районах”, “Методы агрохимических анализов почвы и растений в Средней Азии” қўлланмаси асосида бажарилган ҳамда тажрибалардан олинган маълумотларнинг

диспецион-статистик таҳлили “Microsoft Excel” Б.А.Доспехов услуги бўйича бажарилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

лалмикор майдонларнинг текислик, қир-адирлик минтақасида илк марта кузги буғдойнинг тупроқ намлиги, минерал озика моддалар ҳамда вегетация даврида уларни ўзлаштириш динамикасини ўрганиш натижасида ҳосилдорликнинг 2,2 баробар ошишига олиб келди;

органик ва минерал ўғитларнинг кузги буғдой томонидан минерал ўғитлардан фойдаланиш коэффициентлари ҳамда алмашлаб экишнинг ротацияси давомида тупроқдаги гумус ва NPK баланси аниқланган;

“тупроқ-ўғит-ҳосил” тизимида ғалла-шудгор алмашлаб экишнинг қисқа ротацияли схемасида органик ва минерал ўғитларнинг тупроқдаги фаол намлик динамикасига боғлиқ ҳолда озика моддалар динамикаси, кузги буғдойни биомасса тўплаши, ҳосилдорликни ошириш механизми асосланган;

турли меъёра ва тупроқнинг турли қатламларига сочма ва лента усулида берилган органик (10, 20, 30 т/га) ва минерал ўғитларнинг (N₃₀₋₆₀P₃₀₋₆₀K₃₀₋₆₀) кузги буғдойнинг ўғитлардан фойдаланиш коэффициентлари, тупроқдаги гумус, NPK баланси таъсири аниқланган.

Тадқиқотларнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тоза шудгор-буғдой-буғдой алмашлаб экиш тизимида, дуккакли дон (нўхат) ва кўп йиллик бедадан сўнг кузги буғдой етиштиришда органик ўғитларнинг мақбул меъёри бўйича агротавсиялар ва иқтисодий кўрсаткичлар ишлаб чиқилган;

лалмикор типик бўз тупроқлар шароитида ғалла-шудгор алмашлаб экишнинг қисқа ротацияларини жорий этиш ва бу схемаларда органик ва минерал ўғитларнинг мақбул меъёри, қўллаш усуллари ва муддатлари ишлаб чиқилган;

тупроқда гумус ва NPK нинг ижобий балансини юзага келтириш бўйича агротавсиялар, меъёрий кўрсаткичлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотлардан олинган илмий ва амалий натижалар апробация комиссияси томонидан кўриқдан ўтказилганлиги; тадқиқотлар доирасида олинган назарий ҳамда амалий натижаларнинг бир-бири билан ўзаро мос келиши; натижаларнинг статистик ишловлар орқали ишончлилик даражасининг исботланганлиги; тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан ўзаро таққосланганлиги; тадқиқотлар натижалари амалиётда қўлланилаётганлиги; тадқиқот натижаларининг республика ва халқаро миқёсидаги илмий анжуманларда муҳокама этилганлиги, нуфузли хорижий ва Республика илмий журналларида чоп этилганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, лалмикор бўз тупроқларда ғалла - шудгор алмашлаб экишнинг қисқа ротацияси тизимида органик ва минерал ўғитларнинг меъёри ва қўллаш усулига, об-ҳаво шароитларга қараб “тупроқ-ўғит-ҳосил” тизимида ўғитларнинг

нитрификация ва аммонификация интенсивлиги, минерал озиқа моддаларнинг тупроқ профили бўйлаб ҳамда ҳосил билан олиб чиқиб кетилган NPK миқдори аниқланиши, тупроқ унумдорлигини тиклаши илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти лалмикор майдонларда тупроқ унумдорлиги ва кузги буғдой ҳосилдорлигини оширишда қисқа ротацияли алмашлаб экиш ва бу тизимда органик ва маъданли ўғитларни мақбул меъёри ва қўллаш технологиясини жорий этиш кузги буғдой ҳосилдорлигини 1,5-2 баробар ошишини ҳамда тупроқдаги гумус ва NPK нинг барқарор ижобий балансини таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Лалмикор майдонларда органик ва минерал ўғитлар қўллаш усулининг тупроқ унумдорлиги ва кузги буғдой ҳосилдорлигига таъсири бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

“Лалмикор майдонларда органик ва минерал ўғитларни қўллаш усулининг тупроқ унумдорлиги ва буғдой ҳосилдорлигига таъсири” номли тавсиянома ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 16 сентябрдаги 02/025-3738-сон маълумотномаси). Натижада лалмикор шароитларда тупроқларининг унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини оширишда органик ва минерал ўғитлардан фойдаланиш тадбирларини белгилашда қўлланма сифатида хизмат қилган;

лалмикор майдонларда ғалла-шудгор алмашлаб экиш схемасида органик ва минерал ўғитларни қўллаш усули, мақбул меъёрлари ишлаб чиқилган ва Жиззах вилояти Бахмал туманидаги “Абдумавлон Зиё” фермер хўжалигида 60 гектар майдонга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 16 сентябрдаги 02/025-3738-сон маълумотномаси). Натижада фермер хўжалигида жорий этилган беш далали алмашлаб экиш схемасида буғдойнинг ўртача ҳосилдорлиги 14,2 ц/га, қўшимча дон ҳосилдорлиги эса 5,2 ц/га ни ташкил этган;

ғалла-шудгор алмашлаб экиш схемасидан ташқари экилган бедадан сўнг экилган тупроқни 20 см қатламга лента усулда берилган 40 кг/га фосфорли ва 40 кг/га азотли ўғитлар Нуробод туманидаги “Орзугул чамани” фермер хўжалигида жами 95 гектар лалмикор майдонларда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 16 сентябрдаги 02/025-3738-сон маълумотномаси). Натижада ҳосилдорлик 12,3 ц/га ни ташкил этиб, қўшимча 4,2 ц/га дон ҳосили олинган. Гектаридан 605 минг сўм/га соф фойда олиниб, рентабеллик даражаси 10 % ни ташкил этган.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Тажриба ўтказилган 2009-2017 йилларда дала тажрибалари ва олинган натижалари Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти маркази томонидан ташкил этилган комиссияси кўригидан ўтказилди ва ижобий баҳоланди. Олинган натижалар жами 11 шу жумладан 6 та халқаро ва 5 республика илмий анжуманларида чоп этилди.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шундан 1 та тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси

Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 та республика ва 2 та хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий ишлар чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистондаги лалмикор тупроқлар унумдорлигининг ўрганилганлик ҳолати”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, лалмикор минтақаларда буғдойдан юқори ва сифатли дон етиштириш ҳамда тупроқ унумдорлигини оширишда органик ва минерал ўғитларни қўллаш усули бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётлар маълумотлари кенг таҳлил қилинган. Шу билан бир қаторда илмий манбалардан хулосалар қилиниб, тадқиқотлар олдида қўйилган мақсад ва вазифалар, лалмикор майдонларда кузги буғдой етиштиришда ўтмишдош экинлар ҳамда органик ва минерал ўғитлар қўллаш тизимини такомиллаштириш бўйича илмий изланишларни олиб бориш зарурлиги келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ҳудудининг агроиқлимий тавсифи, тадқиқот материаллари ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар олиб борилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари, ўрганилган навнинг тавсифи батафсил баён этилган.

Тадқиқотлар Лалмикор деҳқончилик илмий тадқиқот институти (собиқ Дон ва дуккакли ўсимликлар илмий тадқиқот институтининг Ғаллаорол илмий тажриба станцияси) да 1960 йилдан бошлаб то ҳозирги кунгача давом эттириб келинаётган кўп йиллик стационар тажриба даласида олиб борилган.

Ғаллаорол об-ҳавони кузатиш станциясининг маълумотларига кўра лалмикор майдонларнинг ёғингарчилик билан ярим таъминланган текислик-қир-адирлик минтақасида 2008-2009 йилларнинг октябрь-июнь ойларидаги ёғингарчилик миқдори кўп йиллик меъёрдан 110 мм, 2009-2010 йилдаги бу

кўрсаткич 127 мм ва 2012-2013 йилларда эса кўп йиллик ўртача меъёрдан 12 мм кўпроқ ёғингарчилик бўлганлиги келтирилган. 2010-2011 ва 2011-2012 йилларда бошоқли дон ва бошқа лалми экинлар учун анча ноқулай келди. 2011 йилда атиги 200 мм, 2012 йилда эса 284 мм ёғингарчилик кузатилган.

Тадқиқотлар лалмикор типик бўз тупроқлар шароитида ҳажми 10 м² бўлган микродала тажриба вариантларида олиб борилган. Тажриба схемасига мувофиқ 10, 20 ва 30 т/га органик ҳамда 20-40 кг/га азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар экиш олдида тупроқ юзасига сочма усулда (анъанавий технология) ва тупроқнинг 10, 20 ва 30 см қатламларига лента (уруғ атрофига) усулида берилган. Тажрибаларда барча ишлар қўл кучи ёрдамида амалга оширилган.

Микродала тажрибаларида турли меъёр ва усулда берилган органик ва минерал ўғитларнинг “Бахмал 97” кузги буғдой навининг тупланиш, найчалаш, бошоқлаш ва тўлиқ пишиш босқичларида тупроқдаги фаол намлик тартиботига (0-120 см), минерал азот (N-NO₃) ва ҳаракатчан шаклдаги фосфор динамикасига, биомасса тўплаш интенсивлигига таъсири ўрганилган. Тупроқ ва ўсимликларнинг агрохимёвий таҳлилларни ихчамлаштириш мақсадида намуналар асосий калитли вариантлардан олинган.

Диссертациянинг **“Табий ва антропоген омиллар таъсирида лалмикор типик бўз тупроқлар унумдорлигининг ўзгариши”** деб номланган учинчи бобида лалмикор типик бўз тупроқларнинг морфологик белгилари ва агрохимёвий кўрсаткичи, лалмикор типик бўз тупроқлар физик хусусиятларининг турли агротехнологик тадбирлар таъсирида ўзгариши, лалмикор типик бўз тупроқларнинг асосий физик ва сув-физик хоссаларига оид натижалар баён этилган.

Тадқиқотлар олиб борилган лалмикор типик бўз тупроқларнинг агрохимёвий ва агрофизик хосса-хусусиятларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар асосан ўтган асрнинг 50-60 йилларида олиб борилган. Бу тадқиқотларда лалмикор типик бўз тупроқларнинг унумдорлигига умумий баҳо берилган. Ўтган қарийб 60-70 йил давомида Республика ҳудудида иқлимнинг глобал иссиши, лалмикор ерлар структурасидаги жиддий ўзгаришлар, тупроқ унумдорлигининг чуқур деградацияси бир томондан, иккинчи томондан лалмикор майдонларда техника воситалари турининг ўзгариши ҳамда янги серҳосил, маҳаллий ноқулай ташқи муҳит омилларига чидамли янги навларнинг яратилиши илгари олиб борилган тадқиқотларни янада чуқурроқ ва кенгроқ миқёсда ўтказишни тақозо этиши ёритилган.

Диссертациянинг **“Лалмикор майдонларда органик ва минерал ўғитларнинг қўллаш усулига қараб буғдойнинг озиқа моддалардан фойдаланиш даражаси ҳамда уларнинг тупроқдаги балансининг ўзгариши”** деб номланган тўртинчи бобида кўп йиллик стационар дала ва микродала тажрибаларда турли агротехнологик тадбирлар ва ўтмишдош экинлар, шунингдек, органик ва минерал ўғитларни қўллаш усулига ва чуқурлигига қараб тупроқдаги фаол намлик динамикаси, кузги буғдойнинг биомасса тўплаш динамикаси, турли фенологик босқичларда (туплаш, найчалаш, бошоқлаш, сут-мум пишиш ва тўлиқ пишиш) NPK ни ўзлаштириш

интенсивлиги, миқдори ҳамда уларнинг кузги буғдой томонидан фойдаланиш коэффициентлари тупроқдаги гумус ва NPK баланси бўйича маълумотлар келтирилади.

Тажиба ўтказилган йилларда тупроқ намлиги динамикасини ўрганиш натижаларига кўра, кузги буғдойнинг энг масъул фенологик босқичларида тупроқнинг 0-120 см қатламидаги намликнинг энг юқори миқдори (2815-3013 м³/га) об-ҳаво серёғин келган 2009 йилда органик ва минерал ўғитлар 20 т/га гўнг+N₃₀P₃₀K₃₀ меъёрида тупроқнинг 10 ва 20 см қатламларига берилган вариантларда аниқланган. Бу кўрсаткичлар тажибанинг мутлақо ўғит берилмаган назорат вариантыда тупланиш босқичида юқоридаги вариантларга нисбатан 468-660 м³/га камлиги қайд этилган.

2009 йилда буғдойнинг бошоқлаш босқичига келиб тажибанинг назорат вариантыда намлик захираси (0-120 см) 1623 м³/га ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткичлар органик ва минерал ўғитларни 10 ва 20 см қатламларга берилган вариантларда назоратга нисбатан 150-389 м³/га юқорилиги аниқланган.

2010 йилда ҳам ёгингарчиликнинг кўп бўлиши ва вегетация даврида бир текис тақсимланиши, органик ва минерал ўғитларнинг турли тупроқ қатламларига берилиши кузги буғдой учун қулай намлик режимини яратиб берган. Кузги буғдойнинг туplash даврида тажибанинг назорат вариантыда тупроқнинг 0-120 см қатламидаги намлик миқдори 2425 м³/га ни ташкил этган бўлса, тупроқнинг 10 ва 20 см қатламларига берилган органик ва минерал ўғитлар намликнинг 240-350 м³/га кўпроқ тупланишига имкон берган.

Лалми тупроқларнинг нитрификация қобилиятини ўрганиш учун тупроқ намуналари стационар тажибанинг назорат, яъни сурункасига ўғитсиз буғдой экиладиган, ўғит бермасдан тоза шудгорга буғдой экиладиган андоза (st) вариантдан, тоза шудгор-буғдой-буғдой алмашлаб экиш схемасида тоза шудгор остига 20 т/га гўнг ва P₄₀ берилган ҳамда 4 йиллик бедадан сўнг 4 йил буғдой экиладиган кузда экиш олдидан 40 кг/га P₂O₅ берилган ва туplashда 40 кг/га азотли ўғит билан озиклантириладиган вариантлардан тупроқнинг 0-40 см қатламида олинди.

Тажибалар бошланишида тупроқнинг 0-40 см қатламида 1,6-1,8 мг/кг N-NO₃, 1,4-2,3 мг/кг N-NH₄ (сурункали ўғитсиз вариант).

Тоза шудгор 20 т/га гўнг+P₄₀ вариантда 2,8-3,5 мг/кг N-NO₃ ва 2,8-4,0 мг/кг N-NH₄, 4 йил беда – 4 йил буғдой (P₄₀ N₄₀) вариантда эса 3,8-4,5 мг/кг N-NO₃ ва 6,5-7,8 мг/кг N-NH₄ мавжуд бўлган.

Стационар тажибанинг сурункасига ўғитсиз буғдой экиладиган назорат вариантыдан олинган тупроқ намуналари дистилланган тоза сув билан компост қилинганда аксинча нитратларнинг кўпайиши, аммиакнинг кескин камайиши кузатилди. N-NO₃ миқдори 43,5 мг/га, аммиак эса 2,3-7,0 мг/кг га камайганлиги аниқланди.

Бу тупроқ намуналари мақбул ҳароратда (+25-28⁰C) (NH₄)₂SO₄ билан компост қилинганда энг кўп N-NO₃ миқдори нисбатан пастроқ кўрсаткичларни ташкил этди – 43,4-48,2 мг/кг, N-NH₄ эса 12,0-14,5 мг/кг.

Тажрибада 4 йиллик буғдой ($P_{40}N_{40}$) вариантдан олинган тупроқ намуналари $+25-28^{\circ}C$ ҳароратда компост қилинганда нитрификация жараёнлари интенсивлиги тоза шудгор-буғдой-буғдой – 20 т/га гўнг + P_{40} вариантдан олинган тупроқ намуналарига нисбатан сезиларли катта фарқ кузатилмади.

Тажриба ўтказилган барча йилларда тупроқдаги минерал азотнинг энг кўп миқдори об-ҳаво серёғин келган 2009 ва 2010 йилларда кузги буғдой вегетацияси бошланган пайтда (туплаш) органик ва минерал ўғитларни тупроқнинг 10 ва 20 см қатламларига берилганда қайд этилган. Бу босқичда назорат вариантыда 0-20 см қатламидаги унинг миқдори 2009 йилда 6,0 мг/кг ни, 2010 йилда 7,0 мг/кг ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткичлар 20 т/га органик ва $N_{30}P_{30}K_{30}$ меъёрдаги минерал ўғитларни тупроқнинг 10 ва 20 см қатламларга берилган вариантларда 2009 йилда 11,5; 14,8 мг/кг ни, 2010 йилда эса 14,8; 13,5 мг/кг ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, микродала тажрибасининг уч йил мобайнида назорат-ўғитсиз вариантыда фосфор танқислиги кузги буғдойнинг туплаш ва найчалош фазаларидаёқ қайд этилган. Бу вариантда тупроқнинг ҳайдов қатламидаги ҳаракатчан фосфор миқдори ёғингарчилик нисбатан кўп бўлган 2009-2010 йилларда тегишлича 13,0-14,5 ва 9,8-11,8 мг/кг ни ташкил этган.

Барча ўсимликлар каби кузги экилган буғдойнинг фосфорга талабчанлиги унинг дастлабки фазаларида юқори бўлади. Бу босқичларда тупроқда фосфор етишмаслиги илдиз тизимининг ривожланишига, туплаш даражасига, ноқулай абиотик ва биотик омилларга чидамлилигини кескин пасайтиради. Бу ҳолатлар тажрибанинг ўғит берилмаган вариантыда тўлиқ намоён бўлганлиги қайд этилган.

Тажриба ўтказилган йилларда кузги буғдойнинг туплаш фазасида тупроқнинг 0-20 см қатламида ҳаракатчан фосфор миқдори органик ва минерал ўғитларни анъанавий технология бўйича сочма усулда (ер бетига) берилган вариантда 18,8 мг/кг ни, юқоридаги ўғитларни тупроқнинг 10 см қатламга 20 т/га гўнг + $N_{30}P_{30}K_{30}$ меъёрда берилган вариантларда эса 19,8-20,7 мг/кг ни ташкил этган. Тупроқнинг турли қатламларига берилган органик ва минерал ўғитларнинг ижобий таъсири кузги буғдойнинг кейинги фазаларида ҳам намоён бўлганлиги қайд этилди.

Тажрибанинг назорат-ўғитсиз вариантыда ҳосилдорлик ўртача 8,4 ц/га ни ташкил этган бўлса, органик ва минерал ўғитларни анъанавий технология бўйича тупроққа сочма усулда берилган вариантда 4,0-5,6 ц/га, 10 ва 20 см қатламларга 10, 20 ва 30 т/га органик ўғит ҳамда 20-40 кг/га NPK берилган вариантларда назоратга нисбатан 5,9-7,0 ц/га қўшимча дон ҳосили олинган. Органик ва минерал ўғитларни тупроқнинг 20 см қатламга берилган вариантларда эса ҳосилдорликнинг янада ошганлиги (6,5-7,4 ц/га) аниқланган. Бироқ, об-ҳаво серёғин келган 2010 йилда 30 т/га органик ва $N_{20}P_{20}K_{20}$ меъёрда минерал ўғитлар берилган вариантда кузги буғдойнинг ётиб қолганлиги сабабли ҳосилдорликнинг пасайиши қайд этилган.

Таҷрибанинг минерал ўғитлар берилмаган, лекин фақат 20 т/га органик ўғитларни тупроқ юзасига сочма усулда берилган вариантда ҳам ҳосилдорликнинг пасайиши аниқланган.

Органик ва минерал ўғитлар меъёри ва қўллаш усулларига қараб 3 йилда олинган қўшимча дон ҳосилдорлиги 12,0-22,2 ц/га ни ташкил этган. Бу кўрсаткич айниқса органик ва минерал ўғитларни тупроқнинг 20 см қатламига лента усулда берилган вариантларда (21-22,2 ц/га) юқори бўлган.

Лалмикор типик бўз тупроқларда органик ва минерал ўғитлар таркибидаги эквивалент миқдордаги азот, фосфор ва калий озика моддалари ҳисобига олинган кузги буғдой дони миқдори ўртача уч йилда 3,0-8,6 кг/га ни ташкил этган. Бу кўрсаткичлар 20 т/га органик ва 20 кг/га ҳисобида минерал ўғитларни тупроқнинг 10 см қатламига берилган вариантда энг юқори (8,6 кг/га) бўлган.

Кузги буғдойнинг минерал ўғитлардан фойдаланиш коэффициенти уларни ер бетига сочма усулда берилган вариантларда (2-4 вариант) N бўйича 38,3-101,5 %ни, P₂O₅ бўйича 25,0-73 % ни ва K₂O бўйича эса 33-81 %ни ташкил этди. Кузги буғдойнинг маъданли ўғитлардан фойдаланиш 20 см қатламига берилган вариантларда энг юқори кўрсаткичларни ташкил этди, тегишлича 68,0-144%; 45,5-91,5 ва 56,7-86,5 %ни ташкил этди. Органик ва минерал ўғитлар таркибидаги жами озика моддалар ҳисобга олинганда фойдаланиш коэффициенти қуйидагиларни ташкил этди. Бу ўғитларни қўллаш усули ва меъёрига қараб буғдойнинг азотни ўзлаштириш даражаси 12,4-33,1 %, фосфор бўйича 11,9-29,3 %, калийники эса 7,5-21,6 % ни ташкил этди. Буғдойнинг органик ва минерал ўғитлардан фойдаланиш даражаси нисбатан уларни тупроқнинг 10 см қатламига берилган вариантларда юқорироқ бўлди

Диссертациянинг “**Алмашлаб экиш тизимида ўғитларни намлик тартиботи, буғдойнинг биологик яшовчанлиги, қуруқ модда тўплаш динамикаси, ҳосилдорлиги, озика моддаларни ўзлаштириш динамикасига ва тупроқдаги гумус ҳамда NPK балансига таъсири**” деб номланган бешинчи бобида буғдойнинг юзасидан бошлаб ўсимлик таркибидаги калийнинг реутилизацияси натижасида камайиши қайд этилган. Унинг бошоқлаш босқичига келиб ўсимлик таркибида калийнинг асосий қисми вегетатив органлар (поя, барг) томон оқиб ўтади. Натижада буғдойнинг дон тўплаш давридаги калий миқдори органик ва минерал меъёри ва қўллаш усулига қараб алмашлаб экишнинг 1-ротациясида (2009-2010 йиллар) дондаги миқдори (2012-2013 йиллар) 0,47% ни ташкил этган бўлса, сомон (поя+барг) таркибидаги миқдори тегишлича 1,28-1,58% ва 1,17-1,55% ни ташкил этган. Бу кўрсаткич донга нисбатан 7,3- ва 2,5 баробар кўп демакдир.

Кузги буғдой таркибидаги азот миқдори худуднинг об-ҳаво шароити, ёғингарчилик миқдори ҳамда тоза шудгор остига берилган органик ва минерал ўғитлар меъёрига қараб ўзгариб борган. Унинг энг кўп миқдори тоза шудгор-буғдой-буғдой алмашлаб экишнинг 1-ротациясида тоза шудгордан кейин 1 ва 2-йил буғдой экилган вариантларда 10, 20 ва 30 т/га маҳаллий ўғит

ва 40 кг/га фосфорли ўғитлар қўлланилганда 3,75-4,10 % ни ташкил этган. Нўхат ва бедадан сўнг буғдой экилган вариантларда бироз камроқ (3,60-3,75%) бўлганлиги аниқланган.

Буғдойнинг бошоқлаш босқичидан бошлаб интенсив биомасса тўплаши ҳамда репродуктив органлар (бошоқ) пайдо бўлиши билан барг ва поядаги азотнинг бошоқда тўпланиши кузатилади. Бу жараёнлар буғдойнинг мум пишиш босқичига давом этади. Лекин, тажрибанинг сурункали ўғитсиз вариантыда тупроқда намлик ва озиқа моддалар етишмаслиги натижасида ўсимликлардаги физиологик ва биокимёвий жараёнлар бошоқлаш пайтига келиб бутунлай тўхташи қайд этилган.

Тоза шудгор остига берилган органик ва минерал ўғитларни буғдойнинг азот режимига таъсири алмашлаб экишнинг 2-ротациясида (2012-2013 йй.) ҳам давом этган.

Ўсимликдаги фосфор миқдори туплашдан найчалош фазаси томон ошиб бориши, бошоқлаш фазасига келиб унинг вегетатив ва репродуктив органлар ўртасида тақсимланиши натижасида камайиши кузатилган.

Ўсимлик таркибидаги фосфорнинг нисбатан юқори миқдори азот каби алмашлаб экишнинг 1-ротациясида, яъни об-ҳаво шароитлари анча қулай келган 2009-2010 йилларда қайд этилган. Буғдойнинг туплаш фазасида фосфор миқдори назорат вариантда 0,55% ни ташкил этган бўлса, тоза шудгор остига 10, 20 ва 30 т/га органик ва 40 кг/га фосфорли ўғитлар берилган вариантларда назоратга нисбатан 0,21-0,25% юқорилиги аниқланган.

2012-2013 йилларда (алмашлаб экишнинг 2-ротацияси) об-ҳавонинг олдинги йилларга нисбатан ноқулай келиши, тупроқда намлик ва озиқа моддалар етишмаслиги сабабли кузги буғдой таркибидаги фосфорнинг камайишига олиб келган. Шунга қарамасдан унинг нисбатан юқори кўрсаткичлари органик ўғитлар берилган вариантларда қайд этилган. Туплаш фазасида бу вариантлардаги фосфорнинг назоратга нисбатан 0,10-0,16% га, бошоқлаш босқичига келиб 0,03-0,08% (дон) юқорилигини кўриш мумкин. Бу фарқ буғдойнинг мум пишиш фазасида ҳам кузатилган. Бу фазага келиб буғдойнинг поя ва баргидаги фосфорнинг кескин камайиши (0,14-0,28%), донда эса кўпайиши (0,85-1,21%) аниқланган.

Калий миқдори об-ҳаво шароитларга, ўтмишдош ҳамда органик ўғитлар меъёрига қараб сезиларли даражада ўзгариши қайд этилган. Ҳар иккала ротацияда ҳам калийнинг энг кўп миқдори буғдойнинг туплаш фазасида, органик ва минерал ўғитлар берилган тоза шудгордан сўнг 1 ва 2-йил буғдой экилган вариантларда (4,28-4,39% ва 4,18-4,21%) қайд этилган.

Сурункали ўғитсиз ва ҳар йили $N_{40}P_{40}K_{40}$ берилган вариантларда ҳам калийнинг кўплиги аниқланди (3,94-4,40%). Буғдойнинг найчалош фазасидан бошлаб барча вариантларда калийнинг аста-секин камайиши, бошоқлаш фазасига келиб дондаги калий миқдорининг поя ва баргдаги нисбатан 2,0-2,5 баробар камайиши қайд этилган.

Алмашлаб экишнинг 2-ротациясида барча вариантларда буғдойнинг калийни ўзлаштириши пасайиб борган. Бироқ, ҳар йили $N_{40}P_{40}K_{40}$ меъёрда ўғит бериладиган ва сурункасига буғдой экилган вариантларда буғдой

томонидан ўзлаштирилган калий миқдорининг бошқа вариантларга нисбатан бироз юқорилиги аниқланган. Бу вариантда буғдойнинг туплаш босқичида 4,24%, сут-мум пишиш босқичига келиб дондаги миқдори 1,25% ни, барг ва поядаги миқдори эса 0,52% ни ташкил этган.

Тажрибада синалган “Бахмал 97” кузги буғдой дон ҳосилдорлиги алмашлаб экишнинг 1-ротациясида 2009 ва 2010 йилларда, 10, 20 ва 30 т/га органик ва 40, 60 кг азотли ва 60-70 кг/га фосфорли ўғитлар берилган вариантларда назоратга нисбатан 10,2-12,8 ц/га юқорилиги қайд этилган. Буғдой ҳосилдорлиги, айниқса, тоза шудгордан сўнг 1-йили экилган 2009 йилда янада юқори бўлган. Органик ва минерал ўғитлар берилган вариантларда назоратга нисбатан 12,0-14,7 ц/га кўпроқ бўлганлиги аниқланган.

Тоза шудгор-буғдой-буғдой алмашлаб экишнинг 2-ротациясида (2012-2013 йй.) органик ўғитларни тупроқнинг озика режимига таъсири давом этиб, бу вариантларда ҳам назоратга нисбатан ўртача икки йилда 3,2-4,6 ц/га кўшимча дон ҳосили олинган. Ғалла шудгор алмашлаб экишнинг икки ротацияси давомида (2009-2013 йй.) органик ва минерал ўғитлар берилган вариантларда назоратга нисбатан олинган кўшимча дон ҳосилдорлиги ўртача 4,1-8,4 ц/га ни, ўғит берилмаган тоза шудгорга нисбатан эса 2,6-4,3 ц/га ни ташкил этган. Бу вариантларда органик ва минерал ўғитлар ҳисобига олинган кўшимча ҳосил 10,4-17,1 ц/гани ташкил этган.

Алмашлаб экишнинг 1-ротациясида 10 т/га гўнг+N₄₀P₇₀ берилган вариантида ўғитсиз тоза шудгорга нисбатан олинган кўшимча ҳосил 8,8 ц/гани, 2-ротациясида эса 1,7 ц/га ни ташкил этган. 2009-2013 йилларда 4 йиллик бедадан сўнг экилган кузги буғдой ҳосилдорлиги ўртача 14,4 ц/га ни ёки сурункали ўғитсиз вариантга нисбатан 6,5 ц/га юқори бўлган. Бу кўрсаткич нўхатдан сўнг экилган буғдой ҳосилдорлиги назоратга нисбатан атиги 1,8 ц/га ни, сурункасига буғдой экиладиган, ҳар йили 40 кг/га ҳисобида минерал ўғитлар берилган вариантда ҳам назоратга нисбатан ўртача 2,6 ц/га ни ташкил этган.

Энг юқори соф фойда (290,3 минг сўм/га) тоза шудгор остига 20 т/га органик ва N₃₀P₆₀ меъёрда минерал ўғитлар берилган вариантда олинган. Бу вариантда 1 т дон таннархи (783,0 минг сўм) энг паст кўрсаткични ташкил этган. Бундан ташқари, бедадан сўнг 4 йил давомида кузги буғдой экилган ва 2-ротация давомида фақат N₄₀P₆₀ ўғит берилган вариантда ҳам соф фойда 64,4 минг сўмни ташкил этсада, рентабелликнинг юқорилиги аниқланган. Тоза шудгор-буғдой-буғдой алмашлаб экиш схемасида фақат 20 т/га гўнг ва N₃₀P₆₀ озиклантирилган вариантда, шунингдек алмашлаб экиш схемасидан ташқарида 4 йиллик бедадан сўнг 4 йил давомида кузги буғдой етиштириш иқтисодий томондан рентабелликнинг юқори бўлиши, маҳсулот таннархининг пасайиши таъминланган.

Кузги буғдой ҳосили билан олиб чиқиб кетилган азот миқдори об-ҳаво шароитларга, ўтмишдошларга ва органик ва минерал ўғитлар меъёрига қараб кенг миқёсда ўзгариб борган. Унинг энг кўп миқдори (2009-2010 йй.) 10, 20 ва 30 т/га маҳаллий ўғит ва ротация давомида тўлиқ меъёрда NPK билан ўғитланган вариантларда қайд этилган. Бу вариантларда ҳосил билан олиб

чиқиб кетилган азот миқдори тажрибанинг назорат вариантыга нисбатан 43,8-49,1 кг/га кўплиги аниқланган. 2010 йилда бу кўрсаткичлар янада кўп бўлиб, 81,8 кг/га ни ташкил этган.

Алмашлаб экишнинг 2-ротациясида, яъни 2012-2013 йилларда ҳам тоза шудгор остига 2008 йилда берилган органик ўғитларнинг таъсири давом этган ва ҳосил билан олиб кетилган азот миқдори назорат, яъни сурункасига ўғит берилмасдан экилган вариантга нисбатан 2012 йилда 15,4-19,2 кг/га, 2013 йилда эса 10,9-16,0 кг/га кўплиги қайд этилган.

Таъкидлаш жоизки, ўғит берилмаган тоза шудгордан сўнг 2-ротация давомида экилган буғдой ҳосили билан олиб кетилган азот миқдори назоратга нисбатан ўртача 17,6 кг/га, нўхатдан сўнг буғдой экилган вариантга нисбатан 9,2 кг/га ва сурункасига экиладиган, лекин ҳар йили 40 кг/га ҳисобида NPK билан ўғитланган вариантдагидан 8,6 кг/га кўплиги аниқланган.

Тажриба ўтказилган йилларда 4 йиллик бедадан сўнг узлуксиз буғдой экилган вариантда ҳам ҳосил билан бирга ўртача 51,8 кг/га азот олиб кетилганлиги аниқланган.

2009-2013 йилларда кузги буғдойнинг органик ва минерал ўғитлардан фойдаланиш коэффициенти ўғитсиз тоза шудгорга нисбатан ҳисоблаганда ўртача 4 йилда 7,5; 18,3; 44,7 %ни, мутлоқ назоратга нисбатан ҳисоблаганда эса тегишлича 71,2; 108,0 ва 98,2 %ни ташкил этди. Бу вариантларда 1 кг азот ҳисобига 16,7-27,8 кг дон олиниши аниқланди.

Тоза шудгор-буғдой-буғдой алмашлаб экиш тизимида кузги буғдойнинг ўғитлардан фойдаланиш коэффициентининг нисбатан пастлигининг сабабларидан бири тоза шудгор остига берилган вариантларда гумификация ва минерализация жараёнларининг ҳали давом этаётганлигида бўлиши мумкин.

1-жадвал

Лалмикор типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойнинг озика моддаларни ўзлаштириши ва ўғитлардан фойдаланиш коэффициенти

№	Вариантлар	Кирим, кг/га			Ҳосил билан олиб кетилган, кг/га			Фойдаланиш коэффициенти, %		
		N	P	K	N	P	K	N	P	K
1	Сурункали буғдой- (назорат) N ₀ P ₀ K ₀	-	-	-	24,5	9,8	22,2	-	-	-
2	Тоза шудгор – буғдой – буғдой – N ₀ P ₀ K ₀ – st (андоза)	-	-	-	42,1	17,3	37,5	-	-	-
3	Тоза шудгор – буғдой – буғдой – 10 т/га гўнг N ₇₀ P ₉₂ K ₆₅	136	92	65	53,0	22,2	49,3	16	13,3	18,1
4	Тоза шудгор – буғдой – буғдой – 20 т/га гўнг+N ₇₀ P ₁₀₄ K ₁₃₀	222	104	130	56,9	26,0	46,7	20	23,5	7,1
5	Тоза шудгор – буғдой – буғдой – 30 т/га гўнг + N ₁₇₄ P ₁₂₆ K ₁₉₅	318	126	195	54,0	25,9	52,6	22	24,0	7,7
6	Нўхатдан сўнг буғдой-буғдой + N ₄₀ P ₄₀	40	60	-	32,9	18,3	28,3	21,0	22,1	-
7	4 йиллик бедадан сўнг буғдой - буғдой N ₄₀ P ₆₀	40	60	-	51,8	21,5	43,8	68,2	29,1	-
8	Сурункали буғдой – N ₄₀ P ₄₀ K ₄₀ - хар йили	40	40	40	33,5	17,6	31,2	22,5	19,4	-

Стационар тажрибанинг 4 йиллик бедадан сўнг экилган 40 кг/га азотли ва фосфорли ўғитлар берилган вариантида буғдойнинг азотдан фойдаланиш коэффициенти 68,2% ни ташкил этган.

Кузги буғдой ҳосили билан олиб кетилган фосфорнинг энг кўп миқдори азот каби 2009 ва 2010 йилларда тоза шудгор остига берилган 10, 20 ва 30 т/га маҳаллий ўғит ва 46 кг/га фосфорли ўғит берилган вариантларда қайд этилган – 31,7-38,3 кг/га. Бу кўрсаткичлар тажрибанинг назорат вариантга нисбатан 19,1-25,4 кг/га, ўғит берилмаган тоза шудгорга нисбатан эса 6,4-13,3 кг/га кўпдир. Бу йилларда ҳосил билан олиб чиқиб кетилган фосфор миқдори нўхатдан сўнг буғдой экилган вариантда ўртача 4 йилда 18,3 кг/га, бедадан сўнг экилган ва 60 кг/га ҳисобида фосфорли ўғитлар берилган вариантда 21,5 кг/га ни ташкил этган.

Ғалла-шудгор алмашлаб экишнинг қисқа ротацияли схемасида кузги буғдой томонидан органик ва минерал ўғитлар таркибидаги фосфордан фойдаланиш коэффициенти ўртача 4 йилда ўғитлар меъёрига қараб 13,3-29,1% ни ташкил этган. Дуккакли экинлардан (нўхат ва беда) сўнг буғдой экилган вариантларда буғдойнинг фосфорли ўғитлардан фойдаланиш коэффициенти ўртача 19,5-19,8%, тупроқдаги баланси эса + 22,2....+41,6 кг/га ни ташкил этган.

Алмашлаб экишнинг 2-ротацияси давомида кузги буғдой ҳосили билан олиб чиқилган калий миқдори тажрибанинг ўғитсиз сурункасига буғдой экиб келинган назорат вариантида ўртача 22,2 кг/га ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич тоза шудгордан сўнг буғдой экилган вариантларда органик ўғитлар меъёрига қараб 37,5-52,6 кг/га ни ташкил этган.

Стационар тажрибанинг дуккакли экинлардан сўнг кузги буғдой экилган вариантларда ҳосил билан олиб чиқиб кетилган калий миқдори 28,3-43,8 кг/га ни, энг паст кўрсаткич эса (31,2 кг/га) сурункасига экиладиган ва ҳар йили 40 кг/га NPK берилган вариантда аниқланган.

